

«ШАХАРЛАР ВА ПОСЕЛКАЛАРДА ОБОДОНЛАШТИРИЛГАН КУКАЛАМЗОР ЗОНАЛАР ЯРАТИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛИБ ЯХШИЛАНСИН. КҮРИҚХОНАЛАР ТАРМОҒИ, МИЛЛИЙ ПАРКЛАР, ЗАКАЗНИКЛАР ВА БОШҚА КҮРИҚЛАНДИКЛАР ТАБИИЙ ТЕРРИТОРИЯЛАР ТАРМОҒИ КЕНГАЙТИРИЛСИН. ҲАЙВОНОТ ДУНЕСИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ, КУПААТИРИШ ВА УЛАРДА ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛСИН».



«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасидан».

• Ҳар фаслнинг ўз хислати бор ҚИШНИНГ БИРИНЧИ ОЙИ

Саховатли куз ҳам ўтди. Она табият куз либосига бурнаниб, доврахталар олтин янроқларини ерга поёндоз қилиб ёзиб бўлди. Шаҳримиз боғ-боғчаларида, хиёбон ва сайроҳларда турли манзарали дархатлар, мевали нўқуллар, яшил буталар экинлиги. Ҳаваскор боғбонлар боғ-ҳовлиларидаги тоқларни кесиб, ўраб-чираиб қиш уйкусуга ҳозирлашмоқда. Хиёбон-гулзорлардаги совуққа ноаниқ турли атир гуллар кесилиб, қишқил билан кўмма қилиб қўйилди. Қишнинг биринчи ойи — декабрда кунлар қисқариб, тундур узайиб боради. Ойнинг иккинчи ярмида, 22 декабрь куни қишқил Қуёш турлини кузатилади. Шу куни энг узун тун бўлади. Диримизда қиш фасли совуқ кучлини ётаётганда Европий ва Шиб...

ДЕКАБРЬ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

Календаримиздаги ўн иккинчи ойнинг номи — декабрь лотинча «децембер» сўзидан олинган. Де- кем — ўн деган маънони билдиради. Декабрь ойи қадимги римликлар календарига ўнчи ой бўлиб ҳисобланган. Уйда гул ўстиришнинг қандай ҳосияти бор? Бу савол киш фаслида ҳам хоналари «яшил либос» билан бурканиб турлишнинг истовчи гул ишқибозларини айниқса қизиқтирса керак. Биринчидан, гул ва кўкатлар уй ҳуснига-хусни қўшади. Иккинчидан эса, яшил ўсимликлар уйдаги ҳавонини тозалаш тўради. Мазлумки, ҳавода микробларнинг кўп. Уй ўсимликлари эса ўзидан фитонцидлар чиқариб, микробларни ўлдирди ва уларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади. Бунинг устига бу ўсимликлар ҳавонинг намлигини 10—15 процентга ошириб, чангини анча камайтиради. Уй ўсимликларининг ахши ривожланиши учун энг аввало ёруғлик, ҳаво, нам, унумдор тупроқ бўлиши зарур. Уй таъмир-тураси ҳам ўсимлик талабига мос бўлиши керак. Ана шундангина ўсимликлар ахши ўсали, гуллаб, мева беради. Қиш фаслининг ахши хислатлари билан фаровон ҳаётимизга фойдаланарканми?

УЙ ИШҚИБОЗЛАРИГА

Уйнинг нормал ўсиши учун уйга ёруғлик билан қўшиб нури ҳам тушиб туриши керак. Бироқ, мезридан ортиқча қўшиб нури бериб ўсимликларга зарар етказиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Уй ўсимликларининг биологик ҳусусиятлари уларнинг келиб чиқишига қараб белгиланади. Қишда ўсимликлар асосан «дама» олади. Шунинг учун ҳам уларнинг тоза ҳавога бўлган талаби баҳордагидан кўра юқори бўлади. Лекин шундангина ўсимликлар ахши ўсали, гуллаб, мева беради. Қиш фаслининг ахши хислатлари билан фаровон ҳаётимизга фойдаланарканми?

ЯШИЛ БОЙЛИК — ЧИРОЙЛИК

СЕРГЕЛИ МАНЗАРАЛАРИ

Тошкент зилзиласидан кейин бунёд этилган Йўлдош шаҳарчасига қайси фаслда келманг, унинг гузал манзараси мафтун этади. Бу шаҳарчада шарқираб оқадиган анҳорлар, ариқлар, кўллар, хушманзара хиёбон ва боғлар бор. Кўчаларнинг чекарларида арча, чинор, дуб, каштан ва бошқа манзарали дархатлар эрта баҳордан кеч кузгача ям-яшил бўлиб туради.

Ҳар йил баҳор ва куз фаслларида Сергели районига кўчат ўтказиш, жойларни кўкчалаштириш ишлари катта эътибор берилади. Ҳовлилар, кўчалар, ариқлар, хиёбонлар, гулзор-майdonлар тозаланади, саранжом-саршарба қилинади, ахлат-чиқиндилар ташиб олиб кетилади. Мевали ва манзарали доврахталар буталади, кўриган шох-шобаллар кесилди, яшил тўсиқлар ва манзарали доврахталар буталади, кўриган шох-шобаллар кесилди, яшил тўсиқлар ва манзарали доврахталар буталади...

«ТО» Спорт Хафтамаси

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧ

Сиртки «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида тошкентликлар олдinda боршмоқда. Иккинчи тахтада вазиет кескинлашди. Олмаоталиқлар қандай юришни танлашаркин!

Шундай қилиб, бу тахтада юриш навбати яна олмаоталиқларда. Ҳурматли газетонлар, Силар эса сиртки шахмат матчи қандай бораватгани ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.

Бизнинг адресимиз: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси 32, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»). Ҳаётининг 33-08-74, 32-55-32 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

ИККИ ТҮР ҚОЛДИ

Норвайшас ва С. Овечкинлар бошқаришмоқда. Улардан кейинги ўринларни В. Габриел ва А. Плахнин — 7 тадан очко, А. Консантинов ва Н. Норель — 6,5 тадан очко, М. Кисельев — 6 очко, Л. Хвостов — 5,5 очко билан эгаллашган.

Иккинчи гуруҳда самарқандлик М. Фозилор ва минсклик А. Плахнинларга омад қилиб боқди. Боқулган шашкачи горькийлик Л. Хвостовни энгиб, Нижнийтагиллик С. Овечкин билан ўзаро битмага келишди.

А. Плахнин эса ригалик М. Кисельев устидан ғалабани қўлга киритиб, А. Норвайшас (Вильнюс) билан дурангта рози бўлди. Литвалик шашкачи свертловскийлик А. Консантинов билан яна бир дурангта имзо чекди. Шунингдек, М. Норель (Бендер) ҳам С. Кисельев ва С. Овечкинлар билан бўлган учрашувларини дуранг билан аяқлади. Ниҳоят С. Консантинов Л. Хвостовни мағлубиятга учратди.

Беш турдан сўнг турнир жадалини саккизтадан очко тўплаган А...

• Озодалик—туман бойлик ОРОМГОҲ СОҲИЛЛАР

Она табият инсонга турли-туман неъматларни инъом этиб, унга ҳаёт бағишлаб туради. Унинг бебаҳо неъматларидан бири — соф ҳаводир. Мазлумки, Тошкентимиз тоғлар эстагида, тоғ дарёлари оқиб ўтадиган ажойиб воҳога жойлашган. Чорвоқ денгиздан бошланиб келадиган Чирчиқ дарёсининг зилол сувлари шаҳримизга широк бағиш маздаларини ўзи билан олиб келади. Тоғлардан эсаётган шамолларда кўзга кўринмайди, лекин танга даво бўладиган ҳаво таркибида турли хил витаминлар борки, булар ҳам она табият инъомидир.

Чирчиқ дарёсидан шаҳримизнинг ҳар томонига жон томирларидек айрилиб кетган каналлар, анҳорлар, ариқлар, зилол кўллари шаҳримиз табиати жамолига қўшқани зумрад кўз каби ярашади. Анҳорини шаҳримизнинг кумуш камаридек турли фаслда ҳаёт сувига лиммо-лим тўлиб оқсади. Анҳор, Салор, Бўзасу, Қонқус, Кайковус, Чакарарик, Қичкирик, Қорасув каналлари шаҳримиз ҳавосини мўтадиллаштириб туради. Лекин ана шу канал ва анҳорларнинг ҳаммаси ҳам санитария-гигиена ҳолатини дуруст деб бўлмайди.

Тошкентнинг кумуш камари — Анҳор қирғоқлари шаҳар марказида жуда хушманзара, гузал, оресталиги, довдарахталарини яншаб турли кишининг дилини хушунд этади. Анҳор соҳилларида сайр-тан одам соф ҳаво олади, сувнинг зилолликдан кўз қувнайди, дил ярайди. Салор каналининг қирғоқлари бир пайтлар кўрмасиз бўлиб ётар, унга ахлатлар ташланар эди. Ҳозирда унинг қирғоқларига бетон қопланиб, анча тартибга келтирилди.

Афсуски, шаҳримиздаги ҳамма сув ҳавзалари шундай эмас. Кайковус, Чакарарик, Қонқус каналларига чиқитилган ахлат уйиб қўйиб қоллар учрайди. Кайковус ариғида кеч кузда сув тўхташи билан унга ёз бўйи ташланган ҳар хил нарсаларнинг эски челақлар, консервлар, бангалари, темир-тарсақлари, кўриш мумини. Қўштудан юқорида, кўрик ёнида Кайковус соҳили доим ахлат бўлиб ётади. Чакарарикнинг Чакар Бекатидан кўйи томони қатта ахлатхонага айланган кетган. Худди шундай ҳоли Қорасув ариғи бўйларидан ҳам кўриш мумини. Шуниси ачинарлики, Чакарарик ва Қорасув ариқларидан сув оқаятипти, қорамой оқаятипти — билиб бўлмайди. Сув жуда ифлос оқаяпти, унга қараган кишининг кўнгли беҳузур бўлади.

Тошкентимиз сув иншоотлари, зилол кўллари, шарқирама анҳорлари шаҳримизнинг фойзи, кўриқ ҳисобланади. Соҳилларда ҳазонлар уюми тўпаниб эътиборли, ахлат уюмлари бўлмаслиги лозим. Ҳамшаҳарликларимизга анҳор-каналлар соҳилларида, кўллари бўйида сайр қилиб, соф ҳаводан баҳра олишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун шароитлар яратишимиз керак.

Т. АШРАФХОНОВ.



Хиёбонлар соқини, чиройли. М. Нурмиддинов фототўдди.

• ШУНАҚАСИ ҲАМ БУЛАДИ БАҚА ГОЛИБ ЧИҚДИ

Хумсон қишлоғига кечки пайт етиб келдик. Дарҳол кийим-кечкаларимизни алмаштириб, сўйма дарё соҳили томон ошдик. Ёз жазирасида сув бўйида ириқиб дам олганга имзо етсин.

Дарё сувидан пайдо бўлган сувий ҳовузча лабда қўноқ топдик. Ана, устига малла «тўзи» кийиб олган бир бақа тўдасидан айрилиб, қаршн томонга сузилиб кетди. Шу чоқ қарандардан пайдо бўлган илон ошмак бақа изидан тўтиди. У эзма-из эмишини кузатар, қўялай эзилиб топиб унга ташланмоқчи бўларди. Кутилмаган хавфдан бутунлай бебабар бўлган бақа «қўноқ» қўшиқ куйлашдан бир зум тинмасди. Ниҳоят илон унга таҳдид қила бошлади.

Бечора бақа бир зум иккиланиб турди, сўнг чакқон ҳаракат билан тўдаси томон ошди. Илон барибир айбегининг қилди. Уни доимга тўшди. Бақа нажот изловчи товуда қаттиқ қўрилларди...

Бирдан бақалар тўдаси ҳаракатга келди. Улар шариклари томон ёрданга шовиллашди. Дўшманни қўриқиб олган бақалар гоҳ илоннинг бошига, гоҳ бели ва думига урилар, қандай бўлмасин унинг қондаги беғуноҳ бақани ташлашга мажбур қилишарди.

Ниҳоят улар рақибдан зўр келишди. Илон зўр-базўр ўлмасини ташлаб чекинди.

М. ОРИПОВ.

• Коинот—85

Декабрь ойи осмоннинг асосий ажойиботи Галлей кометаси бўлади. Ноябрь ойида комета ўртача телескопда кузатиб бўлса, декабрда кичик телескоп, дурбин, театр дурбин, монокуляр ва ясама телескопларда бемалол кўриш мумкин. Ой бошида кометани фарбда юлдузлардан иборат Балқилар туркумида топиш мумкин. Декабрь мубайида комета Балқилар туркумидан Суви туркумига ҳаракат қилади ва кечқура биринчи беш кунликда 2—2,5 очкога уфқдан 60 градуска баландликда кўринади, ойнинг 20 ларида 40 градуска баландликда бўлади, кейин ғира-шира пайтда деярли кўринамиди. Галлей кометасини кўришга қудай вақт — ойнинг 6—16 кунларидир. Телескоп орқали кометани кўришни хоҳлаган ишчи-хизматчилар, студент ва ўқувчилар Тошкент шаҳар «Билим» жамиятидан путёвка олиб (30—35 кишилик гуруҳа бўлиб) Тошкент обсерваториясига экскурсияга келишлари мумкин.

Галлей кометасидан ташқари кечқура фарбда Юпитер сайёрасини энг ёруғ юлдуздек қараб туришини ярим тузга кузатиш мумкин. Зухра юлдузи тоғида жанубий-шарқда Чаён туркумида ярим соатларча кўринади, сўнг Қуёш нуруларига ғарқ бўлади, ой охирида эса кўринамиди. Марс ҳам тоғида яқин шарқда Сувбула туркумида кўринади, кўришни вақти кун сари охири бори, ой охирида 4 соатини ташкил қилади. Сатурн сайёраси Чаён туркумида жанубий-ғарбда бир соатларча кўринади ва 11 декабрда Чаён туркумининг ёруғ юлдузи Ақраб ёнига 0,8 градуска масофада яқинлашади. Сатурн Меркурий сайёрасига 16 декабрда 0,5 градуска яқинлашади, унинг шимолдан ўтади. Метеор оқимларидан 1—18 Геминидлар, ой охирида шимолда Квадрантидалар кўришни кутталади.

Декабрь осмоннинг юлдуз туркумларидан Бузоқ (Савр) қоқ тепамиздан тунда ўтади. Ушбу туркумининг шимол қисмида гузал сочма юлдуз тўдаси — Хуллар жойлашган. Баъзида бу сочма тўдани Сурайё деб ҳам аташади. Турклар эса унн Элак, баъзида Теник деб ҳам номлашади. Кўзимизга 6—7 та юлдуз кўришнинг учун бизда унн Етти қароқчи дейишади. Бу туркумда аслида телескоп орқали 150 га яқин юлдуз кўриш мумкин.

Бузоқ туркумининг номи қадимдан

ГҲЗАЛ СОЧМА ЮЛДУЗЛАР

маълум бўлиб, унн эрамиздан тўрт миң йил олдин ҳам билинган. Қадимги грек афсонасида ривоят қилинишича, малика Европа денгиз қирғоғига гул териб юрганда унинг олдинга жуда катта хўнжа келиб қолади. У гўё қўлда боқилгандек қизга яқин келади, шунда Европа унн миниб олади, шу заҳоти хўнжа денгиз томон чопиб бориб сувга тўшади-да, сузилиб кетади. Европани аздаб ўғирлаб кетган ана ўша хўнжа Зевс бўлиб чиқсади. Кейинчалик, XVII аср бошида Галлей томонидан топилган Юпитер сайёрасининг энг ёруғ йўлдошидан бирига Европа номи берилади. Бу ҳам беиз эмас эди, чунки Юпитерни миң йил олдин ҳам Зевс номи билан аташган эди.

22 декабрь куни қишқил қуёш турини содир бўлади (энг узун тун), бунда Қуёшнинг энг жанубий оғиши кузатилади. 23 декабрдан сўнг ҳали қиш тўла ўз кучига кириб ерларни музлатмаган бўлса ҳам, секундлардан қўшилиб кўнлар узая бошлайди ва ой охирига бориб узайиш 2 минутини ташкил этади.

Б. УМАРОВ, астроном.

• Боғ-томорқа юмушлари

Ҳозир ҳамма жойда кўчат экиш кампанисига асос этилмоқда. Ҳўш, шу кунларда қандай мева кўчатларини экиш маъқул? Олма, ноқ, беҳи, олтуру, ёнғоқ, жийда, олча каби мева кўчатларини қаттиқ совуқлар бошланмасдан тайёр участкаларга экиш яхши натижа беради.

Кўчатлар экиладиган ер 30—60 сантиметр чуқурликда юмшатилади. Чуқурлар қанчалик кенг қилинса, уларда нам шунчалик яхши сақланади, кўчатларнинг илдизлари яхши ривожланади. Юза экилган кўчатларнинг илдиз ер қатламларида юза жойлашади. Наҳижада қишда ер қалин музласа ҳали ривожланмаган илдизини қорам сувуқ зарарлантириши мумкин. Янги экилган кўчат атрофига чиринган гўнги ёки даррах қопмигидан бир сантиметр қалинликда селип қўйилса айни мuddао бўлади.

Экишда асосан нимага аҳамият бериш керак? Биолог олдида гоҳ довларга экиладиган мева кўчатларини ҳаддан ташқари қалин бўлмаслиги керак. Зич экилган кўчатлар тепага қараб тик ўсади ва келгусида соя-салқин қилин тушиши натижасида уларнинг шох ва довлари кўш нуридан яхши баҳраланмайди. Ҳосилни яхши кирган дархатларнинг мева гуллари эса ўсимликнинг учин қисмида пайдо бўлади, гуллари яхши чангламайди, меваси майда, рангисиз ва бемаза бўлиб еталади.

Еш кўчатларга нормал озунка майдонини ажратиб экилса, улар тез ўсади ва барвақт ҳосилга киради. Масалан, кучли пайванд тағларда ўстирилган олма, ноқ ва ўрик кўчатлари 8х7, 8х8 метр оралиқда экилади ва кўчат оралиқдаги бўш ерларга эртаги, ўртаки ва кечки шафтоли кўчатлари тартибли қилиб экилади. Чунки шафтоли даррах тиз ҳосилга киради ва 10—12 йилдан кейин ўз умрини тугатади. Шу даврга келиб олма, ноқ ва ўрик дархатларнинг шох-шобалари ўзига ажратилган озунка майдонини тўлиқ эгаллайди. Уларнинг шох-шобалари ҳам, илдизлари ҳам бир-бирига етиб келади. Органи ўнглар бериб, яхшилаб юмшатилса, мева дархатларнинг илдиз системаси уларнинг шох-шобаларига нисбатан 1,5—2 марта тез ривожланади.

Совуқча чандасиз гипос, шифтолик, анор ва анжир кўчатларини эрта баҳорда экиш маъқул. Ток кўчатларини экиб бўлингандан кейин 20—25 сантиметр қалинликда тупроқ ташлаб қўйилади. Кўчат экишдан олдин ҳар бир чуқурга бир-бир ярим челақ илдиқ, чуқурнинг пастки қисмидаги тупроқ билан яхшилаб аралаштирилади ва устидан эхлатиб сув қўйилади.

Кўчатнинг илдиз бўғизини, ер юзаси билан баробар қилиб экилади-да, унга тупроқ ташланади. Шу билан пайванд қилинган киши совуқ уришдан сақланади. Янги экилган кўчат новдалар бириччи йили қирқилмай қолдирилади. Уларни февраль-март ойларда кесиб кераклик шакл берилади.

Қалин экилган мева дархатларини ҳам шу кунларда очик ерлар-

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Катта ёшдаги дархатларни экишда уларнинг илдизини нисбатан 1,5 марта каттароқ чуқур қилилади ва чуқурларга 8—10 челақдан чиринган гўнги солиб тупроқ яхшилаб эхлатилади. Кўчириб экилган дархатлар қишқилиб кетмаслиги учун дархатни тўрт томонига қозик қўиб, махсус юмшак боғ-шаббалар билан тортиб боғлаб қўйилади.

Ортиқча ток туллари ҳам шу кунларда кўчириб олиб экиш мумкин. Кўчириб олинган ток тулларининг ер усти қисми калта қилиб кесилсади ва уларнинг устига 25—30 сантиметр қалинликда тупроқ ташлаб қўйиб қўйилади.

Халқимизда қадимдан «яхшидан боғ қолади» деган нақл бор. Шундай экан, кўчат ўтказиш ойиники намунали ўтатиш учун ҳамма ҳисса қўлиши керак.

М. СОБИРОВ, кишолқоқ хўжалик фанлари кандидати.

Спорт кундалиги

СТОЛ ТЕННИСИ

Республикамиз пойтахтида стол теннис бўйича Ўзбекистон шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтди. Биринчиликда голиб чиққан «Бувестини» қўнғилли спорт жамияти кичик ракетка устаслари муваффақиятли қатнашди. Улар финал баҳсида «Меҳнат спорт жамияти» теннисчиларини енгаллар. Фаврл учинчи ўринни сарфакчилар эгаллашди. Шахсий ҳисобда эриқлар ўртасида янса разряд «Бувестини» қўнғилли спорт жамияти вакили Андрей Могов голиб чиқди. Жуфт разрядда ҳам улар муваффақиятли қатнашди. Дмиртрй Марьянов билан бир-бирига ҳурмат ҳисобига кўчарилади. Аёллар ўртасида Тошкентда «Меҳнат» спорт жамияти вакили Татьяна Шекбирини ўринини қўлга киритди. Жуфт разрядда ҳам Татьяна ангрелик теннисчи Наталья Авсолова билан ғалаба наҳдасини сурди. Турнирнинг аралаш разряддаги мусобақаларда республикамиз пойтахтининг «Спартак» жамияти теннисчилари Елена Федотова ва Алексей Добровольскийлар ғалаба қозоншди.

БАСКЕТБОЛ

Тошкентда баскетбол бўйича Ўзбекистон маориф министриги бола-лар ва ўсимлар спорт мактабларининг биринчилиги бўлиб ўтди. Чемпионлик уювини ўчун бўлган финал баҳсида Тошкент обласи республикамиз пойтахти спортчилари «Мехнат» спорт жамияти вакили Татьяна Шекбирини ўринини қўлга киритди. Жуфт разрядда ҳам Татьяна ангрелик теннисчи Наталья Авсолова билан ғалаба наҳдасини сурди. Турнирнинг аралаш разряддаги мусобақаларда республикамиз пойтахтининг «Спартак» жамияти теннисчилари Елена Федотова ва Алексей Добровольскийлар ғалаба қозоншди.

СИНХРОН СУЗИШ

В. Митрофанов номидаги сув спорт саройида синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон биринчилиги аюқланди. Турнирда республикамиз терма командасининг асосини ташкил этувчи кўнғилли спорт жамияти вакиллари айнаган кўра яхши қатнашдилар. Улар умумкоманда ва шахсий ҳисобда голиб чиқиди. Айниқса, команданинг пещаддалари спорт мастерлигига номзодлар тошкентлик Лариса Гуртованик ва Эльмира Валиуллиналар муваффақиятли қатнашди. Биринчиликда иккинчи ўринни «Еш куч» ёш спортчилари эгаллашди.

• Янги ихтиролар

«ОРИОН» ЕРДАМ БЕРАДИ

Одам бармоқларининг сезгир нуқталарига лезер нури билан таъбир этиб киши ҳолатини бошқариши мумкин. Бунда Москва радиотехника, электроника ва автоматика институти мутахассислари яратган «Орион» қурилмаси ердан беради. Асабий қарчоқни ёки артериаль босимни камайтириш учун бемор эсабонинг тўртта ботиқ-чаларига бармоқларини бир неча минут қўйиб туришини кифос.

ДИАГНОЗЧИ КОМПЬУТЕР

ГДРда диагностиканинг янги методи ишлаб чиқилди. У қуйидаги амалга оширилади. Йи...

Келингандан арзон ва қулай, кўз қорачини кенгайтириш учун томчи томизлимай фокусни айнақлаш инфракиз нур ёриқли амалга оширилади. Мутахассисларнинг ҳисоблашларини, шу кунда инфаркт, диабет, кўз шиллари, атеросклероз ва бошқа касалликларни ўз вақтида аниқлаш мумкин.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

(«Тошкент оқшомини» навбатдаги сони 6 декабрда чиқадиган).

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕГ.ОҚШОМИ

4 ДЕКАБРЬ. 1985 й.

